

Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлиги  
Тошкент тиббиёт академияси

# ТИББИЙ ПСИХОЛОГ ВА ПСИХОТЕРАПЕВТНИНГ КВАЛИФИКАЦИОН ТАВСИФИ

Муаллиф:

ЗАРИФБОЙ ИБОДУЛЛАЕВ

Тошкент тиббиёт академияси асаб касалликлари ва тиббий  
психология кафедраси профессори, «Тиббий психология»  
магистратура йўналиши бўйича дастур директори

Тошкент – 2016

Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлиги  
Тошкент тиббиёт академияси

Тошкент тиббиёт академияси  
Илмий ишлар бўйича проректори  
\_\_\_\_\_ Ш.А. Боймуродов  
22 сентябр 2016 йил

**“ТИББИЙ ПСИХОЛОГ ВА  
ПСИХОТЕРАПЕВТ”  
КВАЛИФИКАЦИОН ТАВСИФИ**

Зарифбой Ибодуллаев

Тошкент – 2016

## **МУНДАРИЖА**

Тиббий психолог ва психотерапевтнинг квалификацион тавсифи.....	5
Кириш.....	5
Тиббий психолог ва психотерапевт эгаллаши зарур бўлган назарий билимлар .....	6
Тиббий психолог ва психотерапевт эгаллаши зарур бўлган амалий кўникумалар.....	7
Тиббий психолог ва психотерапевтнинг ихтисослаштирилган тиббий марказларда ҳуқуқ ва мажбуриятлари.....	8
Тиббий психолог ва психотерапевтнинг психосоматик марказлар ва психосоматик бўлимларда ҳуқуқ ва мажбуриятлари.....	8
Тиббий психолог ва психотерапевтнинг клиникалардаги маслаҳат поликлиникаларида ҳуқуқ ва мажбуриятлари .....	8
Тиббий психолог ва психотерапевт (нейропсихолог) нинг неврология хизматида ҳуқуқ ва мажбуриятлари .....	9
Тиббий психолог ва психотерапевт (нейропсихолог) нинг нейрохирургия хизматида ҳуқуқ ва мажбуриятлари.....	9
Тиббий психолог ва психотерапевтнинг психиатрия хизматида ҳуқуқ ва мажбуриятлари.....	10
Тиббий психолог ва психотерапевтнинг психоневрологик диспансерда ҳуқуқ ва мажбуриятлари.....	11
Тиббий психолог ва психотерапевтнинг болалар психоневрологик диспансерида ҳуқуқ ва мажбуриятлари .....	12
Тиббий психолог ва психотерапевтнинг наркологик диспансерда ҳуқуқ ва мажбуриятлари .....	13
Тиббий психолог ва психотерапевтнинг тез тиббий ёрдам тизимида ҳуқуқ ва мажбуриятлари .....	14
Тиббий психолог ва психотерапевтнинг кардиология хизматида ҳуқуқ ва мажбуриятлари.....	15
Тиббий психолог ва психотерапевтнинг шаҳар клиникалари ва бирлаштирилган туман шифохоналарида ҳуқуқ ва мажбуриятлари.....	15
Тиббий психологнинг онкология хизматида ҳуқуқ ва мажбуриятлари.....	16
Тиббий психолог ва психотерапевтнинг педиатрия клиникаси ва поликлиникаларида ҳуқуқ ва мажбуриятлари .....	16

Тиббий психолог ва психотерапевтнинг оилавий поликлиникада ҳуқуқ ва мажбуриятлари.....	17
Тиббий психолог ва психотерапевтнинг акушерства ва гинекология хизматида ҳуқуқ ва мажбуриятлари .....	17
Тиббий психолог ва психотерапевтнинг ҳарбий тиббиёт хизматида ҳуқуқ ва мажбуриятлари.....	17
Тиббий психолог ва психотерапевтнинг фавқулодда вазиятлар тизимида ҳуқуқ ва мажбуриятлари .....	19
Тиббий психолог ва психотерапевтнинг спорт тиббиётида ҳуқуқ ва Мажбуриятлари.....	19
Тиббий психолог ва психотерапевтнинг пульмонология ва фтизиатрия хизматида ҳуқуқ ва мажбуриятлари.....	20
Тиббий психолог ва психотерапевтнинг ОИТС га қарши курашиш хизматида ҳуқуқ ва мажбуриятлари .....	20
Тиббий психолог ва психотерапевтнинг дерматология ва венерология хизматида ҳуқуқ ва мажбуриятлари .....	21
Тиббий психолог ва психотерапевтнинг урология хизматида ҳуқуқ ва мажбуриятлари.....	21
Тиббий психолог ва психотерапевтнинг тарбияси қийин болалар ва ўсмирлар масканларида ҳуқуқ ва мажбуриятлари .....	22
Тиббий психолог ва психотерапевтнинг геронтология хизматида ҳуқуқ ва мажбуриятлари.....	23
Тиббий психолог ва психотерапевтнинг дам олиш сихатгоҳларида ҳуқуқ ва мажбуриятлари.....	23
Тиббий психолог ва психотерапевтнинг реабилитация марказлари ва бўлимларида ҳуқуқ ва мажбуриятлари .....	24
Тиббий психолог ва психотерапевтнинг хусусий клиникалар ва психологик марказларда ҳуқуқ ва мажбуриятлари .....	24
Тиббий психолог ва психотерапевтнинг суд тиббиёти ва суд-психология хизматида ҳуқуқ ва мажбуриятлари.....	24

# **ТИББИЙ ПСИХОЛОГ ВА ПСИХОТЕРАПЕВТНИНГ КВАЛИФИКАЦИОН ТАВСИФИ**

## **КИРИШ**

**Тиббий психолог ва психотерапевт** – тиббиёт институтларида даволаш иши ва педиатрия ихтисослиги бўйича бакалавр даражасини олиб “Тиббий психология” мутахассислиги йўналишида магистратура ва клиник ординатурани тугатган юқори малакали мутахассис. Тиббий психолог ва психотерапевт тиббиёт институтларининг «Тиббий психология ва психотерапевт» кафедраларида етишиб чиқади. Тиббий психолог ва психотерапевт – психоген ва психосоматик бузилишларда психопрофилактика, психодиагностика, психокоррекция, психотерапия, психофармакотерапия ва нейропсихореабилитация методларини мукаммал даражада эгаллаган ҳамда турли касалликларда беморларга малакали тиббий-психологик ёрдам қўрсата оладиган мутахассис. Тиббий психолог давлат таълим стандарти ва мутахассиснинг квалификацион тавсифида белгилаб қўйилган талаб ва мажбуриятлар асосида фаолият қўрсатади.

Тиббий психолог ва психотерапевт ташкилий, консультатив, диагностик ва даволаш-профилактика ишлари бўйича юқори даражада тайёргарликка эга бўлиши керак. Ушбу касб эгаси назарий илм ва амалий кўнижмаларни юқори даражада эгаллаган, ўз ишига масъулият билан қарайдиган, ўзига ва қўл остидагиларга талабчан, юқори даражада маданиятли ва профессионал компетенцияга эга ҳамда ўз устида узлуксиз ишлайдиган мутахассисдир. Тиббий психолог ва психотерапевт ўз амалиётида тиббиёт ва психологиянинг илфор технологияларини қўллай оладиган, илмий асосланган меҳнатни тадбиқ қила оладиган, бугунги кун талабларига мослаша оладиган, ишга принципиал ёндошадиган, юқори эътиқодли, аҳоли орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қила оладиган ва ўзи ҳам шунга амал қиласидиган мутахассисдир. Тиббий психолог ва психотерапевт Ўзбекистон Республикаси қонунларига қатъиян амал қиласидиган, соҳага оид норматив хужжатлардан тўла воқиф, тиббий деонтология ва этикага тўла амал қиласидиган, фуқаролик бурчи ва врач қасамёдига содик ходим бўлиши талаб этилади.

## **Тиббий психолог ва психотерапевт эгаллаши зарур бўлган назарий билимлар**

- соғлиқни сақлашни ривожлантиришга оид қабул қилинган фармон ва қарорлар, норматив ҳужжатлар;
- мамлакатда тиббий-психологик ёрдамни ташкил қилишга оид норматив ҳужжатлар;
- тиббий психология ва психотерапиянинг мақсад ва вазифалари;
- психик ва психосоматик касалликларнинг нозологик турлари;
- руҳий саломатликни тиклаш ва шахс ривожланишидан чекланишни корекция қилиш методлари;
- махсус психология масалалари;
- психопрофилактика ва психогигиена;
- психодиагностика ва психологик консультация;
- психокорекция, психотерапия ва психореабилитация;
- психик ва психосоматик бузилишларни фармакологик корекция қилиш;
- нейро- ва патопсихология ҳамда ҳулқ-автор бузилишларини нейропсихологик корекция қилиш йўллари;
- нейропсихореабилитация;
- ёшга оид психология ва дифференциал психология;
- оиласији психология ва психотерапия;
- экспериментал-психологик текшириш методлари;
- психодинамик терапия;
- гипнотерапия;
- гештальтерапия ва бихевиоризм методлари;
- психофизиология ва психофизиологик корекция методлари;
- психосоматик тиббиётнинг мақсад ва вазифалари;
- нерв системаси ва ички аъзолар касалликларида беморлар психологияси;
- психогенетиканинг мақсад ва вазифалари;
- профессионал психологик тестларни танлаш ва қўллаш қоидалари;
- тез тиббий-психологик ёрдам кўрсатиш қоидалари;
- тиббий психологияда инструментал ва махсус диагностикани қўллаш;
- ҳарбий ва фавқулоддаги вазиятларда тиббий-психологик ёрдам кўрсатиш;

- тиббий психологияда биологик терапия қонун-қоидалари;
- геронтопсихология қонун-қоидалари;
- меҳнатга вақтингчалик ва турғун лаёқатсизлик масалалари;
- диспансеризация қонун-қоидалари;
- суд тиббиети ва суд-психологик экспертиза қонун-қоидалари;
- соғлиқни сақлашда маркетинг ва менежмент.

## **Тиббий психолог ва психотерапевт билиши зарур бўлган амалий кўникмалар**

- аҳоли орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш;
- психологик сұхбат ўтказиш;
- тиббий ва психологик анамнез тўплаш;
- турли даврларда психологик ривожланишни аниқлай олиш;
- психологик ва психосоматик статусини текшириш;
- психик ва психосоматик бузилишларни аниқлай олиш;
- тиббий этика ва деонтология қонун-қоидаларини қўллай олиш;
- нейропсихологик статусни текшириб олий руҳий функциялар бузилишларини аниқлай олиш;
- bemорларнинг қариндошлари билан сұхбат қуриш;
- психологик тестларни танлаб қўллай олиш;
- неврологик ва нейропсихологик статусни текшириб асаб системасининг функционал бузилишларини аниқлай олиш;
- органик ва функционал касалликлар орасида қиёсий ташхис ўтказа олиш;
- ташхис қўйиш учун зарур бўлган инструментал (рентген, МСКТ, МРТ, МРА, ПЭТ, ЭЭГ, ЭКГ, ЭхоКГ, УТТ, дуплекс) ва лаборатор (қон, сийдик, ликвор ва ҳ.к.) текширувларни танлай олиш ва уларнинг натижаларини таҳлил қилиб хulosha чиқара олиш;
- мустақил равишда ЭЭГ ўтказа олиш, нейрофизиологик ва психофизиологик синамаларни қўллаш ва олинган хulosalarни таҳлил қила олиш;
- турли ёшларда психотерапевтик ва психофармакотерапевтик кўрсата олиш;
- ўткир психотик бузилишларда зудлик билан фармакотерапевтик ёрдам кўрсата олиш, зарурат шуни тақозо этса bemорни реанимация бўлимига ўтказиш;

- ҳарбий ва фақулоддаги вазиятларда жабрланганларга тез тиббий-психологик (психотерапевтик ва психофармакологик) ёрдам кўрсата олиш;
- психоневрологик диспансер шароитида беморларга тиббий-психологик ёрдам кўрсатишни ташкил қилишни ва уни шахсан амалга ошириш;
- оилавий поликлиникалар шароитида беморларга тиббий-психологик ёрдам кўрсатиш;
- гипнотерапия, гештальттерапия, когнитив-бихевиоирал, рационал психотерапия ва бошқа психотерапевтик методларни амалда қўллай олиш;
- психосоматик бўлимларда беморларни олиб бориш ва стационар даволашга кўрсатмаларни аниқлай олиш;
- соғлиқни сақлаш тизимининг турли босқичларида (поликлиника, стационар, реабилитация) тиббий-психологик ёрдам кўрсатишнинг узлуксизлигини таъминлаш;
- психореабилитация тадбирларини ташкил қила олиш ва ўтказиш;
- психосоматик бузилишларда меҳнатга вақтинчалик ва турғун лаёқатсизликни ҳамда касбий чегараланишни аниқлай олиш;
- тиббий-психологик хужжатларни юргиза олиш;
- ўз иш фаолияти тўғрисида ҳисобот тайёрлаб ва унинг самардорлигини баҳолай олиш.

**I. Ихтисослаштирилган тиббий марказлар ва даволаш-профилактика муассасаларида тиббий психолог ва психотерапевтнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари:**

**1.1. Психосоматик марказлар ва психосоматик бўлимларда тиббий психолог ва психотерапевтнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

- Психосоматик марказлар ва психосоматик бўлимлар ишини ташкиллаштириш;
- мустақил равишда функционал ва органик касалликларни фарқлай олиш;
- психосоматик бузилишлар этиологияси, клиникаси, диагностикасини билиш ва қиёсий ташхис ўтказа олиш;
- психосоматик бузилишлар психогигиенаси ва психопрофилактикасини ўтказа олиш;

- психосоматик бузилишларда малакали психотерапевтик ва психофармакотерапевтик ёрдам кўрсата олиш;
- психосоматик бузилишларда гипнотерапия ва психодинамик терапияни ўтказа олиш;
- психосоматик бузилишларда тиббий-психологик экспертиза ўтказа олиш.

**1.2. Тиббий марказлар ва клиникаларнинг маслаҳат поликлиникаларида тиббий психолог ва психотерапевтнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

- маслаҳат поликлиникалари иш фаолияти ва тартиб-қоидаларини билиш;
- масалаҳат поликлиникалари шароитида тиббий-психологик ёрдам кўрсатилиши зарур бўлган касалликлар ва патологик ҳолатларни билиши ва шу ёрдамни кўрсата олиши;
- маслаҳат поликлиникаси шароитида психодиагностика ўтказиш, психотерапевтик ва психофармакотерапевтик ёрдам кўрсата олиш;
- мустақил равища беморларга зарур инструментал ва лаборатор текширувларни тавсия этиш ва уларни стационар шароитда даволанишга танлай олиш;
- диспансеризация ўтказа олиш;
- зарур тиббий хужжатларни юргиза олиш;
- ўз иш фаолияти ҳисоботини тайёрлаш ва иш самарадорлигини баҳолай олиш.

**1.3. Неврология ва нейрохирургия клиникаларида тиббий психолог ва психотерапевтнинг (нейропсихолог) ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

Нейрохирургия ва неврология клиникаларида “Тиббий психология” мутахассислиги бўйича магистратурани ўташ давомида олий руҳий функциялар ҳақида маҳсус тайёргарликни ўтаган нейропсихологлар ишлашади. Ушбу давр мобайнинда улар бош миянинг локал ва диффуз заарланишларида ривожланадиган нейропсихологик бузилишларда нейропсихологик диагностика, нейропсихологик коррекция ва нейрореабилитация методлари бўйича қўшимча таълим олган бўлишади.

## **Нейропсихолог қуийдагиларни билиши керак:**

- олий рухий функцияларнинг динамик локализацияси ҳақидаги таълимотни;
- олий рухий функцияларнинг структур-функционал ҳусусиятларини;
- бош миянинг локал ва диффуз заарланишларида нейропсихологик текширувлар ўтказиш ва неврологик статусни текшира олиш;
- нейрохирургик операциялардан олдин ва кейин нейропсихологик текширувлар ўтказиб топографик ташхисни қўйиш;
- олий рухий функциялар бузилишларини нейропсихологик коррекция қила олиш;
- бош миянинг локал ва диффуз заарланишларида, ҳамда нейрохирургик муолажалардан сўнг фармакологик коррекция ўтказа олиш;
- неврологик касалликларда ва нейрохирургик муолажалардан сўнг нейропсихореабилитация методларини ўтказа олиш;
- зарур тиббий хужжатларни юргиза олиш;
- қилинган ишлар бўйича ҳисобот тайёрлаш ва иш самарадорлигини баҳолай олиш.

### **1.4. Психиатрия хизматида тиббий психолог ва психотерапевтнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

- психиатрия шифохоналарининг ишлаш принципини билиш;
- психиатрияда беморларни текшириш қонун-қоидаларини билиш;
- ўткир ва сурункали кечувчи рухий касалликлар этиологияси ва клиник намоён бўлишини билиш;
- рухий bemорларда психологик сұхбат ўтказиш ва психопатологик текширувлар ўтказишни билиш;
- рухий касалликларда bemорларга психотерапевтик ва психофармакотерапевтик ёрдам кўrsatiшни билиш;
- нейролептик синдромни аниqlab, уни бартараф эта олиш;
- ўткир психомотор қўзғалишларда тез тиббий-психологик ёрдам кўrsata олиш;
- рухий бузилишларда тиббий-психологик экспертиза ўтказа олиш;

- руҳий касалликларда давомли психореабилитация муолажаларини ўтказиш ва беморларнинг ижтимоий адаптациясини тамиnlай олиш.

### **1.5. Психоневрологик диспансерда тиббий психолог ва психотерапевтнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

Тиббий психология курсларида, худди психиатриядаги каби психоневрологлар ҳам тайёрланади.“Тиббий психология ва психотерапия” мутахассислиги доирасида магистратура ва клиник ординатурада ўқиш мобайнида реактив невроз ва психозлар ҳамда бошқа турдаги чегарадош психоневрологик бузилишларга асосий ургу берилади. Уларда малакавий амалиёт асосан психоневрологик диспансерларда олиб борилади. Психоневрологлар билиши ва эгаллаши зарур бўлган кўникмалар қуидагилардан иборат:

- психоневрологик диспансерлар иш фаолиятини билиши;
- психоневрологик диспансерларда беморларга тиббий-психологик ёрдам кўrsатишни билиши;
- психоневрологик бузилишларда психогигиена ва психопрофилактика тадбирларини тўла ўтказа олиши;
- психоневрологик бузилишлар этиологияси ва клиник хусусиятларини билиши;
- психоневрологик бузилишларда психопатологик текширувлар ўтказа олиши;
- психоневрологик бузилишларни коррекция қилиш учун психотерапевтик ва психофармакотерапевтик усулларни билиши ва қўллай олиши;
- психоневрологик бузилишларда тиббий-психологик экспертиза ўтказишни билиши ва қўллай олиши;
- психоневрологик диспансерда кузатувда турган беморларнинг умумий психик статусини баҳолаб стационарда ётиб даволанишига кўrsатмалар бор-йўқлигини аниқлай олиши;
- психоневрологик диспансерда кузатувда турган беморларга психореабилитация режасини таза олиши ва ижтимоий адаптация дастурини қўллай олиши;

- чегарадош руҳий бузилишлар билан беморларни диспансер назоратга олиши;
- чегарадош руҳий бузилишларда тиббий-психологик экспертиза ўтказа олиши;
- психоневрологик диспансер шароитида психореабилитация муолажаларини ўтказиши;
- психоневрологик диспансерда тиббий-психологик хужжатларни юргиза олиши.

## **1.6. Болалар психоневрологик диспансерида тиббий психолог ва психотерапевтнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

- болалар психоневрологик диспансерининг иш фаолиятини билиши;
- болалар ва ўсмирлар руҳий ва ақлий ривожланишининг асосий босқичларини билиши ва баҳолай олиши;
- психик дизонтогенезнинг асосий сабабларини билиши ва аниқлай олиши;
- болалар ва ўсмирларда руҳий ва ақлий ривожланишдан орқада қолишларни аниқлай олиши;
- болалик ва ўсмирлик даврларида психологик сұхбатлар ўтказа олиши ва психопатологик текширувлар ўтказа олиши;
- руҳий чекланишлар ва касалликлар аниқланган болалар ва ўсмирларнинг ота-оналари билан психологик сұхбатлар ўтаза олиши;
- болалик ва ўсмирлик даврларида реактив руҳий бузилишлар этиологияси ва клиник симптомларини билиши ва аниқлай олиши;
- болалик ва ўсмирлик даврларида психогигиена ва психопрофилактикани ташкил қила олиши ва ўтказиши;
- болалик ва ўсмирлик даврларида кузатиладиган психоневрологик бузилишларда психотерапия ва психофармакотерапия методларини билиши ва қўллай олиши;
- болалик ва ўсмирлик даврларида психореабилитация тадбирларини ўтказа олиши;

- психоневрологик бузилишлар аниқланган болалар ва ўсмирларда тиббий-психологик экспертиза ўтказа олиш;
- болалар ва ўсмирларда давомли психореабилитация муолажаларини ўтказиши ва уларни ижтимоий адаптациясини таминалай олиши.
- болалар психоневрологик диспансерида тиббий-психологик хужжатларни юргиза олиши ва диспансер кузатувни ўтказа олиши;
- болалар ва ўсмирларнинг оиласвий ва ижтимоий адаптациясини ўтказа олиши;

#### **1.7. Наркологик диспансерда фаолият кўрсатаётган тиббий психолог ва психотерапевтнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

- Ўзбекистон Республикасида наркотик ва психотроп воситаларни тарқатишга қарши курашишга оид чиқарилган норматив хужжатларни билиши;
- наркологик диспансерлар иш фаолиятини билиши;
- сурункали алкоголизм, наркомания ва токсикоманияларнинг ilk клиник белгиларини аниқлай олиши;
- сурункали алкоголизм, наркомания ва токсикомания аниқланган bemorlar ва уларнинг қариндошлари билан психологик сұхбатлар ўтказишни билиши ва қўллай олиши;
- сурункали алкоголизм, наркомания ва токсикоманияларда психотерапевтик ва психофармакотерапевтик ёрдам кўрсатишни билиши ва қўллай олиши;
- спиртли ичимликлар ва наркотик воситалар билан ўткир заҳарланишларнинг клиник симптомларини билиши ва тез тиббий-психологик ёрдам кўрсата олиши;
- сурункали алкоголизм, наркомания ва токсикомния аниқланган bemorlarни диспансер назоратга олиши;
- наркологик диспансер шароитида ва ундан ташқарида психопрофилактика ва психогигиена ишларини ўтказа олиши;
- сурункали алкоголизм, наркомания ва токсикомния аниқланган bemorларда тиббий-психологик экспертиза ўтказа олиши;

- сурункали алкоголизм, наркомания ва токсикомнияларда bemorlarning ijtimoiy adaptasiyasini utkaza oliishi;
- наркологик диспансер шаротида тиббий-психологик хужжатларни юргизаoliishi.

#### **1.8. Тез тиббий ёрдам шароитида тиббий психолог ва психотерапевтнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

- турли тоифадаги даволаш-профилактика муассасаларида тез тиббий ёрдам кўrsatiш хизматининг иш фаолиятини билиши;
- уткир стресссли вазиятларда тез тиббий-психологик ёрдам кўrsatiшни билиши ва қўллай олиши;
- ургент ҳолатларда психопатологик ва нейропсихологик текширувларни зудлик билан utkaza олиши;
- уткир стресссли ҳолатларда психологик сұхбатларни utkaza олиши;
- уткир психотик бузилишлар этиологияси ва клиник симптомларини билиши;
- тез тиббий-психологик ёрдам кўrsatiшга кўrsatma ва моънелик қилувчи ҳолатларни билиши;
- ургент ҳолатларда инструментал (МРТ, МСКТ, дуплекс, УТТ, ЭЭГ) ва лаборатор текширувларни танлаб тавсия қила олиши ва олинган натижаларини таҳлил қилиб хулоса чиқара олиши;
- тез тиббий ёрдам рўйхатига киритилган кучли таъсирга эга дори воситаларини билиши ва қўллай олиши;
- онгнинг психотик ва нопсихотик бузилишларини фарқлай ва даражасини баҳолай олиши;
- посткоматоз даврда bemorga тиббий-психологик ёрдам кўrsata олиши, нейропсихореабилитация усусларини билиши ва қўллай олиши;
- тез тиббий ёрдам тизимида юргизиладиган тиббий хужжатларни билиши.

**1.9. Кардиология хизматида тиббий психолог ва психотерапевтнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

- кардиология марказлари ва бўлимлари иш фаолиятини билиши;
- юрак-қон томир касалликларининг функционал ва органик типларини фарқлай билиши;
- кардиология амалиётида учрайдиган психосоматик бузилишлар этиологияси ва клиникасини билиши, ташхисни тўғри аниқлаши ва қиёсий ташхис ўтказа олиши;
- юрак-қон томир касалликларида беморлар билан психологик сұхбатлар ўтказа олиши;
- юрак-қон томир касалликларида психогигиена ва психопрофилактика тадбирларини ўтказа олиши;
- юрак-қон томир касалликларида беморларга малакали психотерапевтик ва психофармакотерапевтик ёрдам кўрсата олиши;
- юрак-қон томир касалликларида беморларга гипнотерапия, когнитив-бихевиорал терапия ва психодинамик терапияни қўллай олиши;
- юрак-қон томир касалликларида психореабилитация тадбирларини ўтказа олиши.

**1.10. Шаҳар шифохоналари ва туман тиббиёт бирлашмаларида тиббий психолог ва психотерапевтнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

- шаҳар ва туман шифохоналарида психосоматик бўлимлар ва тиббий психолог (психотерапевт) кабинетларини ташкил қилиши ва уларда иш юргиза олиши;
- аҳоли орасида психоген ва психосоматик бузилишларнинг олдини олиш бўйича психогигиена ва психопрофилактика тадбирларини ташкил қилиши ва ўтказа олиши;
- шаҳар ва қишлоқ шароитида аҳолига малакали тиббий-психологик ёрдамни ташкил қилиши ва ўтказиши;
- шаҳар ва қишлоқ аҳолиси орасида психоген ва психосоматик бузилишлар бўйича диспансер кузатувни ташкил қилиб ўтказа олиши;

- шаҳар ва қишлоқ шифохоналарида беморларга тиббий-психологик экспертиза ўтказа олиши;
- шаҳар ва қишлоқ шифохоналари шароитида тиббий-психологик хужжатларни юргиза олиш;

**1.11. Онкология хизматида тиббий психолог ва психотерапевтнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

- онкология марказлари, диспансерлари ва бўлимлари иши ҳақида маълумотга эга бўлиши;
- онкологик беморлар билан психологик сұхбатлар ўтказа олиши;
- онкологик касалликларда беморларга психотерапевтик ва психофармакотерапевтик ёрдам кўрсата олиши;
- нур билан даволаш ва кимётерапия сабабли ривожланган психоэмоционал бузилишларнинг клиник симптомларини билиши;
- онкологик беморларга психореабилитация муолажаларини таза олиши ва ўтказиши.

**1.12. Педиатрия хизматида тиббий психолог ва психотерапевтнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

- педиатрия марказлари, педиатрия бўлимлари ва болалар психосоматик бўлимларида психосоматик хизматни ташкил қила олиши;
- болалар ва ўсмирларнинг ақлий ва рухий ривожланиш босқичларини билиши ва тўғри баҳолай олиши;
- ақлий ва рухий ривожланишдан орқада қолган болалар билан психологик сұхбатлар ўтказа олиши ва тиббий-психологик ёрдам кўрсата олиши;
- болалик ва ўсмирлик даврларида психопатологик, нейропсихологик ва психофизиологик текширувлар ўтказа олиши;
- болалик ва ўсмирлик даврларида учрайдиган психоэмоционал ва нейропсихологик бузилишларни аниқлай олиши;
- болалик ва ўсмирлик даврида психогигиена ва психопрофилактика тадбирларини ўтказа олиши;

- болалик ва ўсмирлик даврларида психотерапия ва психофармакотерапия муолажаларини ўтказа олиши;
- болалки ва ўсмирлик даврларида психореабилитация тадбирларини билиши ва ўтказа олиши.
- болалик ва ўсмирлик даврларида тиббий-психологик экспертиза ўтказа олиши;
- педиатрия хизматида тиббий-психологик хужжатларни юргиза олиши.

#### **1.13. Оилавий поликлиникаларда тиббий психолог ва психотерапевтнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

- оилавий поликлиникалар иш фаолиятини билиши;
- оилавий поликлиникаларда психогигиена ва психопрофилактика тадбирларини ташкил қилиши ва ўтказиши;
- оилавий поликлиника шароитида беморлар билан психологияк сұхбатлар ўтказиши ва психологик тестларни қўллай олиши;
- оилавий поликлиника шароитида беморларга психотерапевтик ва психофармакотерапевтик ёрдамни ташкил қила олиши;
- оилавий поликлиника шароитида психореабилитация тадбирларини ташкил қилиши ва ўтказиши;
- оилавий поликлиника шароитида психоген ва психосоматик бузилишлар бўйича аҳоли орасида диспансеризация тадбирларини ташкил қилиши ва ўтказа олиши ;
- оилавий поликлиника шароитида тиббий-психологик экспертизани ташкил қилиши ва ўтказа олиши;
- психологик травмалар ва психосоматик бузилишлар аниқланган bemorlarни оилавий ва ижтимоий адаптацияси ва психологик реабилитация қила олиши;
- оилавий поликлиника шароитида тиббий-психологик хужжатларни юргиза олиши.

#### **1.14. Акушерлик ва гинекологияда тиббий психолог ва психотерапевтнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

- акушерства ва гинекология шароитида тиббий-психологик ёрдамни ташкиллаштира олиши;

- акушерлик амалиёти ва гинекологик касалликларда кузатиладиган психоген ва психосоматик бузилишларни билиши ва аниклай олиши;
- ҳомиладор аёллар билан психологик сұхбатлар үтказа олиши, психологик тестларни танлаб қўллай олиши ва малакали психологик ёрдам бера олиши;
- туғруқдан кейин кузатиладиган реактив невротик ва психотик ҳолатларда тез тиббий-психологик ёрдам кўрсата олиши;
- ҳомиладорлик даврида психоэмоционал бузилишларни коррекция қилиш учун қўлланиладиган фармакологик воситаларга кўрсатмалар ва моънелик қилувчи ҳолатларни мукаммал билиши;
- климактерик даврда кузатиладиган психоэмоционал бузилишларни аниклай олиши ва беморларга психотерапевтик ҳамда психофармакотерапевтик ёрдам кўрсата олиши.
- туғруққача ва туғруқдан кейинги даврда диспансер назоратни амалга ошириши.

### **1.15. Ҳарбий тиббиёт тизимида тиббий психолог ва психотерапевтнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

- Ўзбекистон Республикасида ҳарбий ҳизматчиларнинг саломатлигига оид қабул қилинган қарор ва қонунлардан воқиф бўлиши ҳамда тиббий-психологик хизматга оид номатив хужжатларни билиши;
- ҳарбий тиббиёт тизимида тиббий-психологик ҳизматнинг мақсад ва вазифаларини мукаммал билиши, жабрланганлар билан психологик сұхбатлар қура олиши;
- ҳарбий тиббиёт тизимида психогигиена ва психопрофилактика тадбирларини ташкил қила олиши ва үтказиши;
- ҳарбий ҳолатларда жабрланганларга тез тиббий-психологик, яъни психотерапевтик ва психофармакотерапевтик ёрдамни ташкил қила олиши ва үтказиши;
- ҳарбий ҳолатларда жабрланганларга тиббий-психологик экспертизани ташкил қилиши ва үтказа олиши;

- ҳарбий тиббиёт тизимида жабрланганларга психореабилитация тадбирларини ўтказа олиши.

**1.16. Фақулоддаги вазиятларда тиббий психолог ва психотерапевтнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

- фавқулоддаги вазиятларга ахолига тиббий-психологик ёрдам кўрсатишга оид қарор ва қонунлар ҳамда норматив хужжатларни билиши ва уларга амал қилиши;
- фавқулоддаги вазиятларда жабрланганлар ва уларнинг яқинлари билан психологик сұхбат қура олиши ҳамда психогигиена ва психопрофилактика тадбирларини ташкил қилиб ўтказа олиши;
- фавқулоддаги вазиятларда жабрланганларга ва уларнинг яқинларига психотерапевтик ва психофармакотерапевтик ёрдамни ташкил қилиши ва ўтказа олиши;
- фавқулоддаги вазиятларда психореабилитация тадбирларини ташкил қилиши ва ўтказа олиши.

**1.17. Спорт тиббиётида тиббий психолог ва психотерапевтнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

- спорт тиббиётида тиббий-психологик хизматнинг асосий мақсад вазифаларини билиши;
- спорт тиббиётида психогигиена ва психопрофилактика тадбирларини ташкил қилиши ва ўтказа олиши, йирик мусобақалардан олдин психологик тренинглар ўтказа олиши;
- кризисли вазиятларда спортсменлар билан психологик сұхбатлар қура олиши, психологик тестларни танлаб ўтказа олиши;
- спортсменларда учрайдиган психоэмоционал бузилишларни билиши ва уларга психотерапевтик ҳамда психофармакотерапевтик ёрдам кўрсата олиши;
- турли психоэмоционал бузилишларда спортсменларда тиббий-психологик экспертизани ташкил қилиши ва ўтказиши;
- турли психологик стресслар ва психоэмоционал бузилишларда психореабилитация тадбирларини ташкил қила олиши,

спортчиларни ижтимоий адаптациясини психологик тренинглар билан таъминлай олиши;

- спорт тиббиёти марказларида спортсменларнинг диспансер кузатувини ташкил қилиши ва ўтказа олиши
- спортчиларнинг тиббий-психологик экспертизасини ташкил қила олиши ва ўтказиши.

**1.18. Пульмонология ва фтизиатрия клиникаларида тиббий психолог ва психотерапевтнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

- сил касаллиги аниқланган беморлар билан психологик сұхбатлар қуриши ва психологик тестларни танлаб ўтказа олиши;
- нафас олиш системаси билан боғлиқ органик ва функционал касалликларни фарқлай олиши;
- нафас олиш системаси билан боғлиқ турли хил психосоматик бузилишларнинг этиологияси ва клиник симптомларини мукаммал билиши;
- пульмонология ва фтизиатрия шароитида психогигиена ва психопрофилактика тадбирларини ташкил қилиши ва ўтказа олиши;
- пульмонология ва фтизиатрия шароитида психотерапевтик ва психофармакотерапевтик ёрдамни ташкил қилиши ва ўтказиши;
- пульмонология ва фтизиатрия шароитида психореабилитация тадбирларини ташкил қилиши ва ўтказиш, тиббий-психологик хужжатларини түғри олиб бориши.

**1.19. ОИТС га қарши кураш маркази ва унинг филиалларида тиббий психолог ва психотерапевтнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

- ОИТС га қарши кураш марказида тиббий-психологик хизматнинг мақсад ва вазифаларини билиши;
- ОИТС билан касалланганлар билан психологик сұхбатлар қура олиши ва психологик тестларни танлаб қўллай олиши;
- ОИТС да кузатиладиган психосоматик бузилишлар этиологияси, клиник симптомлари ва ташхис қўйиш ҳамда қиёсий ташхис ўтказишни билиши;

- ОИТС га қарши кураш тизимида психогигиена ва психопрофилактика тадбирларини билиши ва ўтказа олиши;
- ОИТС аниқланган беморларга психотерапевтик ва психофармакотерапевтик ёрдам кўрсата олиши ҳамда психореабилитация тадбирларини ўтказа олиши;
- ОИТС билан касалланган беморларнинг оиласидаги ижтиомий адаптацияни таъминлай олиши;  
ОИТС билан касалланган беморларда тиббий-психологик экспертиза ўтказа олиши ва зарур тиббий-психологик хужжатларни юргиза олиши.

#### **1.20. Дерматология ва венерология хизматида тиббий психолог ва психотерапевтнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

- дерматовенерология хизматида тиббий-психологик ёрдамнинг мақсад ва вазифаларини билиши;
- тери-таносил касалликларининг органик ва функционал типларини фарқлай олиши ;
- дерматовенерологияда учрайдиган психосоматик бузилишлар этиологияси ва клиник симптомларини билиши;
- дерматовенерология амалиётида беморлар билан психологик сұхбатлар қуриши ва психологик тестларни танлаб ўтказа олиши;
- тери-таносил касалликларида психогигиена ва психопрофилактика тадбирларини ташкил қилиб ўтказа олиши;
- тери-таносил касалликларида психотерапевтик ва психофармакотерапевтик ёрдам кўрсата олиши;
- тери-таносил касалликларида гипнотерапия ва психодинамик терапияни қўллай олиши;
- дерматовенерология амалиётида психореабилитация тадбирларини ўтказа олиши.

#### **1.21. Урология хизматида тиббий психолог ва психотерапевтнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

- урология хизматида тиббий-психологик ёрдамнинг мақсад ва вазифаларини билиши;

- урологик касалликларнинг органик ва функционал типларини фарқлай олиши ;
- урологик ва психосексуал бузилишлар этиологияси ва клиник симптомларини билиши ва қиёсий ташхис ўтказа олиши;
- урологик касалликларда ва психосексуал бузилишларда bemорлар билан психологик сұхбатлар қуриши ва психологик тестларни танлаб ўтказа олиши;
- урологик касалликларда психогигиена ва психопрофилактика тадбирларини ташкил қилиб ўтказа олиши;
- урологик касалликлар ва психосексуал бузилишларда психотерапевтик ва психофармакотерапевтик ёрдам күрсата олиши;
- урологик касалликлар ва психосексуал бузилишларда гипнотерапия ва психодинамик терапияни қўллай олиши;
- урологик касалликлар ва психосексуал бузилишларда психореабилитация тадбирларини ўтказа олиши.
- урология амалиётида тиббий-психологик экспертиза ўтказа олиши ва тиббий-психологик хужжатларни юргиза олиши.

## **1.22. Болалар ва ўсмирлар мөхрибонлик уйларида тиббий психолог ва психотерапевтнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

- мөхрибонлик уйларида тиббий-психологик хизматни ташкил қилиш ва ўтказиш;
- мөхрибонлик уйларида тарбияланаётган болалар ва ўсмирлар билан психологик сұхбатлар ўтказа олиши ва патопсихологик текширувлар ўтказа олиш;
- тарбияси қийин болалар ва ўсмирларнинг ота-оналари билан психологик сұхбатлар ўтказа олиш;
- мөхрибонлик уйларида психогигиена ва психопрофилактика тадбирларини ўтказа олиш;
- тарбияси қийин болалар ва ўсмирларга психотерапевтик ва психофармакотерапевтик ёрдам күрсата олиш;
- тарбияси қийин болалар ва ўсмирларга психореабилитация тадбирларини ташкил қилиш ва ўтказа олиш;

- меҳрибонлик уйларида тарбияси қийин болалар ва ўсмирларнинг диспансер назоратини ташкил қилиш ва ўтказиш;
- тарбияси қийин болалар ва ўсмирларга тиббий-психологик экспертиза ўтказа олиш;
- тарбияси қийин болалар ва ўсмирларни оилавий ва ижтимоий адаптациясини таъминлай олиш.

**1.23. Геронтология хизматида тиббий психолог ва психотерапевтнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

- геронтология амалиётида тиббий-психологик хизматнинг асосий мақсад ва вазифаларини билиши;
- кекса одамлар билан психологик сұхбатлар қура олиши ва нейропсихологик текширувлар ўтказа олиши;
- кекса одамларнинг яқынлари билан психологик сұхбатлар ўтказа олиши;
- қариялар уйида тиббий-психологик хизматни ташкиллаштира олиши;
- қариялик даврида психогигиена ва психопрофилактика тадбирларини ўтказа олиши
- сенил деменция ва бошқа психотик бузилишларда психотерапевтик ва психофармакотерапевтик ёрдам күрсата олиши;
- геронтология амалиётида психореабилитация хизматини ташкил қила олиши ва ўтказиши;
- кексаларнинг рухий саломатлигини сақлаш учун диспансер назоратни ташкил қила олиши;
- геронтология амалиётида тиббий-психологик экспертиза ўтказа олиши;

**1.24. Сиҳатгоҳларда фаолият күрсатадиган тиббий психолог ва психотерапевтнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

- сиҳатгоҳларнинг асосий мақсад ва вазифаларини билиши ва бу масканларда тиббий-психологик хизматни ташкил қила олиши;
- сиҳатгоҳларда психологик сұхбатлар ўтказишни билиши ва психологик тестларни танлаб ўтказа олиши;
- сиҳатгоҳларда психогигиена ва психопрофилактика тадбирларини ташкиллаштира олиши ва ўтказиши;

- сиҳатгохларда психотерапевтик ёрдамни йўлга қўйиши ва амалда қўллай олиши, гипнотерапия ўтказа олиши;
- сиҳатгохларда руҳий саломатликни тиклаш учун номедикаментоз (игна билан даволаш, физиотерапия, бадантарбия машқлари, биологик тескари алоқа ва б.к) билиши ва қўллай олиши;
- сиҳатгоҳлар шароитида психореабилитация тадбирларини ташкил қила олиши ва ўтказиши.

#### **1.25. Реабилитация марказлари ва реабилитация бўлимларда тиббий психолог ва психотерапевтнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

- реабилитация марказлари ва бўлимларининг асосий мақсад ва вазифаларини билиши ҳамда тиббий-психологик хизматни ташкил қила олиши;
- реабилитация марказлари ва бўлимларида психологик сухбатлар ўтказа олиши, психологик тестларни қўллай олиши;
- реабилитация марказлари ва бўлимларида психогигиена ва психопрофилактика тадбирларини ташкил қила олиши ва ўтказиши;
- реабилитация марказлари ва бўлимларида рефлектор, физиотерапия ва бошқа номедикаментоз даволаш усуулларини қўллай олиши;
- реабилитация марказлари ва бўлимлари шароитида психотерапевтик ва психофармакотерапевтик муолажаларни қўллай олиши;
- босқичма-босқич ўтказиладиган психореабилитация методларини ишлаб чиқиши ва амалиётда қўллай олиши.

#### **1.26. Хусусий клиникалар ва психологик марказларда тиббий психолог ва психотерапевтнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

- хусусий клиникалар ва психологик марказларда тиббий-психологик хизматни ташкил қила олиши ва ўтказиши;
- хусусий клиникалар ва психологик марказларда психологик сухбат ўтказа олиши ва психологик тестларни танлаб қўллай олиши;
- хусусий клиникалар ва психологик марказларда психогигиена ва психопрофилактика тадбирларини ташкиллаштириши ва амалда қўллай олиши;

- хусусий клиникалар ва психологик марказларда психологик бузилишларни коррекция қилиш учун рефлектор даволаш усулларини билиши ва қўллай олиши;
- хусусий клиникалар ва психологик марказларда беморларга психотерапевтик ва психофармакотерапевтик ёрдам кўрсата олиши.

**1.27. Суд тиббиёти хизматида тиббий психолог ва психотерапевтнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

- Ўзбекистон Республикасининг суд тиббиётига оид қарорлари ва норматив ҳужжатларини билиши;
- суд тиббиётининг асосий мақсад ва вазифаларини билиши;
- суд тиббиёти амалиётида психологик сұхбатлар ўтказа олиши суд-психологик эксперизани ташкил қила олиши ва мустақил равишда ўтказиши;
- суд тиббиёти амалиётида психогигиена ва психопрофилактика тадбирларини билиши ва амалиётда қўллай олиши;
- суд тиббиёти амалиётида тиббий-психологик ҳужжатларни юргиза олиши.

**Лойиҳа муаллифи:**

**Тошкент тиббиёт академияси**

**магистратура йўналишининг**

**“Тиббий психология”**

**дастури директори, проф. Ибодуллаев З.Р.**